АНДИЖОН ШАҲРИНИНГ ШОЛДИРАМА ГУЗАРИ ТАРИХИ

И.А.Алимов

Мақола Андижон шаҳридаги Шолдирама гузари тарихига бағишланган. Шолдирама гузарида жойлашган маҳалла масжиди, қорихона ва мактаблар ҳақида архив ҳужжатлари асосида маълумотлар келтирилган.

***Калит сўзлар**: Шолдирама гузари, маҳалла, масжид, қорихона, мактаб, вақф мулклари.*

Статья посвящена истории гузара Шолдирама города Андижана. Опираясь на архивные материалы, приведены сведения о мечетях, карихане и школе, расположенных на его территории.

***Ключевые слова**: гузар, Шолдирама, махалля, мечеть, карихана, школа, вакуфное имущество*

The article is devoted to the description of historical facts taken from archive materials dealingwith the history of 'Sholdirama mahalla' . It describes the history of the local mosque, its reading room, its school and waqoof properties of this ' mahalla'.

***Key words**: guzar, Sholdirama, mahalla, mosque, reading room, school, waqoof properties.*

Андижон – Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларидан. Археолог олим Боқижон Матбобоев ўз тадқиқотларида ишончли манбалар асосида Андижон шаҳри 2,5 минг йиллик тарихга эга эканини исботлаб берди. Асрлар давомида аҳоли кўпайиб бориши билан шаҳар кенгайиб, маҳаллалар ва уларнинг гузарлари сони ортиб борди. Шаҳардаги йигирмадан ортиқ маҳалла гузарларидан бири Шолдирамадир. Шолдирама қадимги Андижон шаҳридан ёш, у тахминан минг йил олдин вужудга келган бўлиши мумкин.

Шолдирама маҳалла Шарифбой гузар билан Такабой, Жалабек маҳаллалари ўртасида, Шаҳрихон кўча билан ҳозирги Бобур кўчаси кесишган жойда бўлган. Гузар бугунги кунгача сақланиб қолмаган. Гузарнинг ўртасидан Бозор ариқ, ариқнинг кунботар томонидан Шаҳрихон кўчаси ўтган. Бозор ариғининг кунчиқар томонида ариққа, гузарга яқин жойда Усмоналибойнинг Жоме масжиди, сал нарироқда қорихона, маҳалла масжиди ва мактаби жойлашган. Ариқнинг кунботар тарафида, гузардан 20-30 метр нарида, яна битта маҳалла масжиди, гузарнинг кунботар томони, Шаҳрихон кўча қирғоғида эса чойхона жойлашган. Гузарнинг кунботар томонида, ариқ устида тегирмон ҳам бўлган. Ўша тегирмон ёнида бир туп тут дарахти бўлиб, ёши 200 йилдан кам бўлмаган бу дарахт ҳозир ҳам бор.

Гузар номи маҳаллани кесиб ўтган анҳорнинг шалдираб оқишига ишора қилган ҳолда, "шалдирамоқ" сўзидан келиб чиққан, деб тахмин қилинади. Ариқ тарихи билан гузар тарихи узвий боғлиқ. Шунинг учун ариқ тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу ариқ XX асрнинг 30-йиллари охири ва Иккинчи жаҳон уруши йилларида эни 3–4 метр, тўлиб ва тиниқ оқадиган ариқ бўлган. Шолдирама ва Шарифбой маҳаллалари аҳолиси шу ариқ сувидан ичган, экинларини ҳам унинг суви билан суғориб деҳқончилик қилган. Шолдирамадан ўтган ариқ номи XIX асрнинг иккинчи ярмида тузилган вақфномаларда "Бозор ариқ" деб ёзилган. Бизнингча, ариқ шаҳар марказидаги бозор ёнидан ўтгани учун шундай номланган.

Мазкур ариқ "Бобурнома" да ҳам тилга олинган бўлиб, XV асрда Андижон шаҳрини сув билан таъминлаган Оқбўра сойидан чиқарилган тўққиз ариқнинг бири бўлган. Андижоннинг 9 та ариғи ҳақида Сайфиддин Жалилов махсус мақола ёзган, унда 9 та ариқдан биргина Ҳакан ариқ номи "Бобурнома"да тилга олингани, қолганларининг номи келтирилмаганини қайд этган [1]. С.Жалилов ариқларнинг жойлашиш ўрнини ҳам аниқлаган. Бозор ариғи Андижон шаҳри арки деворининг жануб томонидан келиб, Шарифбой, Шолдирама гузарлари орқали ўтиб, ғарбда Далварзин ариғига қўшилган. Бу ариқ номини С.Жалилов Жуйибозор, Узумбозор ариғи деб ёзади, ариқ номлари қайси манбаларга асосланиб келтирилганини қайд этмайди.

Шолдирамадаги Жоме масжидининг 1879 йил, қорихона ва масжиднинг 1884 йилга тегишли вақфномаларида Бозор ариқ деб ёзилган. Шундан келиб чиқиб биз Шолдирама гузаридан ўтган ариқни Бозор ариқ деб атаяпмиз.

Бозор ариқнинг кунботар томони ёқалаб кўча ўтиб, ариқ ва кўча бўйлаб маҳалла хонадонлари жойлашган. Биз тадқиқ қилган XIX асрда маҳалла аҳлининг асосий машғулоти деҳқончилик, чорвачилик бўлган. Экин экиладиган, мол-қўй боқиладиган ерлар кенг бўлган. Фақат айрим оилалар ҳунармандчилик билан шуғулланган. Гузар атрофидаги қорихона, масжидга туташиб кетган экин ерлар Шолдирама маҳалласи аҳолисининг касби қадимдан деҳқончилик бўлганини кўрсатади. Шолдирама гузари хақида аниқроқ маълумотлар Қўқон хонлиги даврига, XIX асрга тўғри келади.

Бу даврда маҳалла маркази ҳисобланган гузарда жоме масжиди, иккита маҳалла масжиди, мактаб, қорихона билан бирга чойхона, кичкина бозорча жойлашган. Бироқ улар бизгача етиб келмаган.

Масжид, қорихона, мактабларни маҳалланинг бадавлат кишилари қурдирган. Улар ўзлари бунёд этган диний ташкилотларнинг фаолият юритиши учун вақф мулки - экин ерлари, дўкон ва бошқа даромад келтирадиган мулкларни васият килиб қолдирганлар.

Гузардаги энг кўҳна масжид ҳижрий 1283 (милодий 1867) йилда бунёд этилган. Бундан илгари барпо этилган масжидлар ҳам бўлган, лекин улар вақт ўтиши билан шикастланиб, бузилиб кетган ва ўрнига янгилари қурилган. Гарчи бу масжид бизгача етиб келмаган бўлса-да, архив ҳужжатларида маълумотлар сақланиб қолган.

Масжидни ким қурдиргани аниқ эмас. ЎзР МДАда сақланадиган вақфномага кўра, ҳижрий 1283 йил зулҳижжа ойида андижонлик Муҳаммад Содиқбой Зулфиқор Сўфиев масжидга Шаҳрихон қишлоғининг Занкен деган жойидаги экин ерни вақф қилиб берган. Вақфнома Андижон шаҳри қозихонасида тузилган. Унга домулла Асрор Қозининг 1283 йил, Мулла Азим Орол Қозининг 1282 йил, Муҳаммад Қосим Муфтийнинг 1288 йил, Мир Қосим муфтий, Абулқосим ва Абдусаттор аъламларнинг 1282 йил саналари туширилган муҳрлари босилган [2].

Одатга кўра, масжид қурдирган шахс унинг фаолият юритиши, жорий таъмирланиши ҳамда хизматчиларни маош билан таъминлаш учун вақф мулки таъсис қилган. Шундан келиб чиққан ҳолда масжид ҳижрий 1283 (милодий 1867) йилда Муҳаммад Содиқбой Зулфиқор Сўфиев томонидан бунёд этилган деб тахмин қилиш мумкин. Муҳаммад Содиқбой масжиди ғарбда Одинабой ери билан, шарқ ва шимолда Сўфиев ери билан чегарадош бўлган.

Вақфномада кўрсатилишича, вақф ер майдони 4 таноб бўлган. Масжид мутаваллиси ва вақф ери бошқарувчилигига мулла Усмонқул Норбўта Сўфиев тайинланган. Унинг вафотидан кейин мутаввали этиб масжид имомини тайинлаш буюрилган [3]. Мутавалли вақф ерини Шаҳрихон кишлоғининг чорикорларига ижарага берган. Қўқон хонлиги даврида ерга асосан буғдой экилган. Оғзаки шартномага кўра, деҳқон ҳосилнинг бешдан бир қисмини ижара хаққи сифатида масжидга берган. Вақфномада даромадни сарфлаш тартиби ҳам белгилаб қуйилган: даромаднинг ўндан бир қисми мутаввалли ва масжид биносини таъмирлашга, қолган қисмини учга бўлиб, икки қисмини имомга, бир қисмини муаззинга бериш буюрилган.

Шолдирама гузарининг кўҳна масжидларидан яна бири 1865 йилда Усмонали Ҳожи Норбўта Сўфиев томонидан бунёд этилган. Бу жоме масжиди бўлиб, унда учта ҳужра, хонақоҳ, айвон ва майдонча бўлган. Масжид ғарбда масжиднинг вақф ери ва Холмуҳаммад Одина Сўфиев ери билан, жанубда Бозор ариғи билан, шарқда Муҳаммад Содиқ Зулфиқор Сўфиев қизлари Нисор Биби ва Бадал Бибилар қарамоғидаги ерлар билан, шимолда вақф қилувчи домулла Раҳмонқул Охун Ғозиқул Сўфиев ери билан чегарадош бўлган.

Масжид нисбатан катта бўлган. Биноларини жиҳозлаш, таъмирлаш, ходимларни маош билан таъминлаш катта харажат талаб қилган. Шу боис масжидни қурдирган Усмонали Ҳожидан бошқа бадавлат кишилар ҳам унга вақф мулки васият қилганлар. Дастлаб 1865 йилда Мусодатбоев, кейин 1876 йили Усмонали, Маҳмудалилар, 1878 йилда домулла Охунд Ғозиқул Сўфиевлар ўз ерларидан бир қисмини вақф қилиб берган. Масжидга васият қилинган ерлар жами 44 танобни ташкил қилган [4]. 1907 йил маълумотига қараганда, 44 таноб экин ердан олинадиган йиллик ижара хақи 200 рублни ташкил қилган. Ўша вақтда пулнинг қадри баланд бўлиб, 4 рублга битта ўртача қўй сотилган. Шундан маълум бўладики, масжид барча харажатларини тўла қоплайдиган вақф даромадига эга бўлган.

ЎзР МДАда Усмонали жоме масжидининг вақф ерига тегишли вақфнома сақланган. Масжидга бу ерни домулла Охунд Ғозиқул Сўфиев ҳижрий 1298 (милодий 1879) йилда вақф қилиб, қозига вақфнома туздирган. Вақфномага Мулла Насриддин Қозининг 1292 йил санаси муҳри ва яна 7 нафар қози, аълам, муфтийлар муҳрлари босилган. Вақф қилинган ер шолипоя бўлиб, Жалабек гузари томонда, Шолдирама гузарига яқин ерда жойлашган. Вақф қилувчи мутавалли этиб ўғли Мулла Ҳамроқул Охунд Муфтийни белгилаган. Вақф даромадидан фойдаланиш тартиби қуйидагича белгиланган: даромаднинг биноларни таъмирлашдан ортган қисми ўнга бўлиниб, бир қисми мутаваллига, тўққиз қисмини қорига ажратиш белгиланган. Вақф қилувчи вафотидан сўнг унинг руҳига бағишлаб қорининг ҳар куни Қуръондан маълум сураларини ўқиши шарт қилиб қўйилган [5].

Мутавалли масжид ишларини вақфномада белгиланган тартибда ташкил қилган. Вақф ерини ижарага берган, даромад ҳисобига биноларни вақтида таъмирлаб турган, ходимларга вақфномада белгиланган улушни бўлиб берган, масжиднинг озода ва обод бўлишини таъминлаган.

Қўқон хонлиги даврида, ундан кейинги йилларда айрим маҳалла гузарларида масжидлар билан бирга қорихоналар ҳам бунёд этилган. Шундай қорихоналардан бири Шолдирама гузарида Баҳодирхўжа томонидан 1877 йилда бунёд этилган. Архив ҳужжатларида қайд этилишича, 1877 йилда Баҳодирхўжа Тохирхўжаев ўзи қурдирган Шолдирамадаги қорихонага 24 таноб экин ер ва учта дўконни вақф қилиб берган [6].

Шолдирама маҳалласидаги бадавлат оилалардан бири Усмонали Ҳожи билан Маҳмудали Ҳожи Норбўта Сўфи Мулла Назаровлар бўлган. Улар катта ер эгалари бўлиб, ерларини ижарага бериб катта даромад қилган. 1865 йилда Усмонали Ҳожи жоме масжиди, ҳужралар, хонақоҳ ва айвон қурдирган. У бу ишлардан ошиниб, укаси Маҳмудали Ҳожи билан бирга ҳижрий 1301 (милодий 1884) йилда Шолдирама гузаридаги қорихонага вақф мулки эҳсон қилишга, масжид қуришга ҳам эришган.

Қорихона ва унинг вақф мулки тўғрисида маълумот берган ҳужжатда масжид ва мактаб хақида хабар берилмаган. Шунинг учун уларни Баҳодирхўжа қурдирган дейишга асос йўқ. Уларни бошқа тадбиркорлар барпо этган бўлиши мумкин. Усмонали ва Маҳмудали ҳожилар Андижон қозисига туздирган вақфномада биринчи ер майдонини барча бинолари билан қорига ва мактабга, иккинчи ер майдони эса биринчи ер майдони фойдасига вақф қилинган. Ер майдони барча бинолари билан бирга вақф қилинганидан хулоса қилиш мумкинки, масжид ва мактабни унинг вақф қилувчилари – Усмонали ва Маҳмудали ҳожилар қурдирган. Бу фикрни вақф қилувчилар масжид имоми, муаззин ва мактаб ўқитувчисини тайинлаб, уларга даромаддан маълум миқдорда улуш ажратгани ҳам тасдиқлайди.

Гузардаги шимол ва шарқ томони жоме масжиди билан чегараланган, атрофи тўсилган майдонда қорихона, қорибоши яшаши учун айвон бўлиб, унинг шимол томонида уч ҳужрали омбор, ундан ғарбда мактаб учун қурилган айвонли уй жойлашган. Қорихона майдонининг ғарб томони масжидга туташиб турган, жануб томони Бозор ариғи билан чегарадош, шарқ томони Асрорқул Содиқбоев ери билан, шарқ томонда вақф қилувчилар ва уларнинг авлодларини дафн этиладиган даҳмалар учун жой тайёрлаб қўйилган. Масжид ғарбда Холмуҳаммад Одинабоев ва Асрорқул Домулла Раҳмонқул Охунов ерлари билан, шимолда масжид вақфи билан, жанубда ариқ билан чегарадош бўлган.

Вақф қилувчилар қорихона, масжид, мактаб ишларини юритиш, ободонлаштириш учун улар эгаллаб турган ерлардан ташқари Жалабек томондан ер майдони ва битта фиқҳ китобини вақф қилиб берганлар. Бу ер участкасининг мутаваллиси қилиб вақф қилувчилар ўзларини тайинлашган, улардан кейин бу лавозимга авлодларидан тайинланиши белгиланган.

Мутавалли ерни ижарага бериб, тушган даромадни вақфномада кўрсатилган тартиб бўйича сарфлаши шарт бўлган. Вақфномада даромаддан фойдаланиш тартиби қуйидагича белгиланган: мутавалли даромаднинг ўндан бир қисмини олгач, қолгани 12 қисмга бўлиниши, шундан икки кисми имомга, бир кисми муаззинга, олти кисми қорибошига ва қолган уч қисмини учта ҳужра қорибаччаларга тенг бўлиб бериш шарт қилиб қўйилган. Шунингдек, вақфномада қорибоши ҳар куни кечқурун Қуръоннинг маълум сураларини ўқиши, имом эса ҳар куни аср намозидан кейин вақф қилинган фиқҳ китобидаги учта моддани ўқиши қайд этилган [7].

1876 йилда Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олганидан кейин мусулмон руҳонийларига нисбатан эҳтиётлик билан сиёсат олиб борган. Маҳаллий аҳоли ўқимишли, зиёли бўлган руҳонийлар – имом, хатиб, мударрис, мутавалли, домулла, қорибоши, эшон, шайхлар таъсирида эканини ҳисобга олиб, дастлабки йилларда масжид, мадраса ва мактаб ишларига аралашмасликка ҳаракат қилган. Фақат 1886 йилда қабул қилинган ”Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да руҳонийлар ҳуқуқлари сезиларли даражада чекланди. Низомда мусулмон диний ташкилотлари – масжид, қорихона, мактаб, мадрасаларнинг вақф мулкларига эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи юридик ҳужжат бўлган вақфномаларни вилоят бошқармалари томонидан текшириш жорий қилинди. Бу тадбирни ўтказишдан мақсад диний ташкилотларнинг вақф ерларини давлат мулкига айлантириш бўлган. Шу мақсадда Россия империяси ҳукумати вақфномада амир, хонлар муҳри бўлса қонуний, фақат қозилар муҳри бўлса ноқонуний ҳисобланади, деган қонун қабул қилган. Илгари вақфномада маҳаллий қозининг муҳри бўлса, шариат коидаси бўйича қонуний ҳисобланар эди. Янги қоидага асосан, вақфномада хон муҳри бўлмаса, қози муҳри бўлишига қарамай ноқонуний ҳисобланиб, вақф ерлари давлат мулкига айлантирилди. Натижада масжид, қорихона, мадрасалар вақф ерларидан олинадиган ижара хақидан маҳрум қилиниб, бу ерлардан давлат ер солиғи олина бошланди. Туркистонда жорий қилинган янги ер-солиқ қоидалари тўғрисида батафсил тўхтаганимиз сабаби бу қоидаларнинг Шолдирама гузари диний ташкилотлари вақф ерларига ҳам татбиқ этилганини таъкидлашдир.

Биз юқорида кўриб чиққан Шолдирама гузаридаги жоме масжиди, иккита маҳалла масжиди ва қорихона вақфномаларида хон муҳри бўлмаган. Янги қоидага асосан, улар мутавалли Сайийд Бурхониддин Аълам томонидан 1887 йил 24 июнда Фарғона вилояти бошқармасига текшириш учун топширилган. Бошқарма вақфномани 1889 йил 31 октябрда Андижон ер-солиқ комиссиясига текширишга юборган. Ер-солиқ комиссари вақфноманинг рус тилига таржимасини текшириб, хон муҳри йўқлигини аниқлаб, қорихона, масжид ва мактабнинг вақф еридан олинадиган солиқни давлат хазинасига тушириш тўғрисида хулоса ёзиб берган. Андижон ер-солиқ комиссияси баённомасида комиссар қарори тасдиқланган.

Фарғона вилояти бошқармаси 1895 йил 3 январдаги умумий йиғилишда Андижон ер-солиқ комиссияси ва комиссари қарорларини кўриб чиқиб, “бошқарма ишидаги мавжуд вақфнома

кейинги кўрсатмаларгача вилоят бошқармасида қолдирилсин” [8] деган қарор қабул қилган. Бошқа масжидлар бўйича ҳам шундай қарорга келинган. Қоида бўйича диний ташкилотнинг вақф ери масаласини вилоят бошқармаси қарорига асосан Туркистон генерал-губернатори кўриб чиқиб қарор қабул қилган. Вақфномаларни текшириш ишлари вақфномаларида хон муҳри бўлмаган, катта миқдорда вақф ерига эга йирик мадраса, масжид, мозор ва бошқаларга нисбатан қўллана бошлаган.

Вақфномани текшириш ишлари мураккаб бўлиб, узоқ вақтга чўзилган. Вақфномаларида хон муҳри бўлмаган бир неча минг масжид ва бошқа майда диний ташкилотлар билан шуғулланишга вақт етмаган. Бу диний ташкилотларнинг вақф ерлари ва бошқа мулклар Совет даврида, XX асрнинг 20-йиллари охирига келиб давлат мулки деб эълон қилинган. Шолдирама гузар масжидлари, қорихонаси ва мактабининг кейинги тақдири тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасмиз. Тахминимизча, совет ҳукуматининг ислом динига қарши кураш даврида – 20-йилларда диний ташкилотларнинг вақф мулклари мусодара қилиниб, фаолияти тўхтатилгандан кейин, улар таъмирланмай қолиб шикастланган, бузиб ташланган. Шолдирама гузари ёнида яшаган меҳнат фахрийси Эргашбой ота Соипов берган маълумотга кўра, гузар атрофидаги қорихона, мактаб ва масжидлар ёпилган бўлса ҳам, уларнинг бинолари 30-йилларнинг ўрталаригача мавжуд бўлган, кейин колхоз идораси топшириғи билан бузиб ташланган.

Адабиётлар:

1. Жалилов С. Андижоннинг тўққиз тарнов суви (Шаҳримиз ариқлари ҳақида) / Андижоннома.- 2005.- 20 май.
2. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34216-й., 1-в.
3. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34216-й., 2-в.
4. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 33610-й., 74-75-в.
5. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34207-й., 1-в.
6. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 33610-й., 74-75-в.
7. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34206-й., 1-2-в.
8. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34206-й., 5-6-в.

Андижон давлат университети,
2015 йил 16 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. С.Ҳошимов)